

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

3-МАХСУС СОҲ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР-3

JOURNAL OF LAW RESEARCH
SPECIAL ISSUE-3



ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№SI-3 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2023-SI-3>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'affor

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Artur Gambaryan

yuridik fanlar doktori, professor (Armaniston)

Yosuke Shamoto

yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Xusanov Ozod Tillabayevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Selimanova Svetlana Mixaylovna

yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Peshkova Xristina Vyacheslavovna

yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)

Sung Un Lee

yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ruziyev Rustam Jabborovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Borotov Mirodiljon Xomudjonovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Shomuxamedova Zamira Shoislamovna

yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)

Ahmad Issa Altweissi

yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Egamberdiyev Eminjon

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jason A.

Kanton Federal sud markazi (AQSH)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxanovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Gasanov Mixail Yuriyevich

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Sattorova Gulnoza Djurakulovna

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Denisov Gleb

yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Skripnikov Nikolay Kuzmich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salayev Nodirbek Saparbayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Taxirov Farxod
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)


Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirazov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govxerjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)


1. Мухамедов Ҳайдарали Мелиевич АНТИК ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИ ҲУҚУҚИ.....	5
2. Turgunov Murodjon Tursunbayevich ЎРТА АСРЛАРДАГИ МУСУЛМОН ВА ҒАРБ ФАЛСАФАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИГА ФОРОБИЙ ҒОЯЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ.....	16
3. Ибрагимова Мухлиса Паридуновна ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИДА ЖАВОБГАРЛИК ВА ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИ МАСАЛАЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ.....	23
4. Ubaydullayev Abror Qutilla o‘g‘li ISLOM MOLIVASINI HUQUQIY VA TASHKILY JIHATDAN TARTIBGA SOLUVCHI XALQARO INSTITUTLARINING SHAKLLANISH TARIXI VA EVOLUTSIYASI.....	29
5. Yuldoshbekov Avazbek Alisher o‘g‘li SOLIQ MASALAHATINI AMALGA OSHIRISH PRINSIPLARI VA ULARNING TURLARI.....	35
6. Ашурова Наргиза Аъзамовна ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ МУЛКИЙ АСОСЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ РЕЖИМИ ТАВСИФИ.....	43
7. Амангельды Айжан Амангельдыкызы ПРАВОПРЕЕМСТВО ПРАВ В СФЕРЕ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ.....	54
8. Чориева Хуршидабону Хуррам кизи ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК БЎЙИЧА ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.....	74
9. Эшимбетова Дармон Уразбаевна КОРПОРАТИВ НИЗОЛАРНИ СУДДА ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ: МУАММО ВА ЕЧИМ.....	82
10. Казакбаев Туулбай Каримбаевич КОРПОРАТИВ ШАРТНОМА ШАКЛИ ВА УНИ ТУЗИШ ШАРТЛАРИ.....	90
11. Rasulov Bekzod Boymuratovich QURILISHNI HUQUQIY TARTIBGA SOLISH – BARQAROR RIVOJLANISH MEZONI.....	98
12. Умарова Барно Акбутаевна ОТА-ОНАЛИК ҲУҚУҚИДАН МАХРУМ ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	107



Turgunov Murodjon Tursunbayevich,
 O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi
 Davlat va huquq instituti direktori,
 Yuridik fanlar doktori
 E-mail: shoh.akbarshoh@mail.ru

**ЎРТА АСРЛАРДАГИ МУСУЛМОН ВА ҒАРБ ФАЛСАФАСИНИНГ
 РИВОЖЛАНИШИГА ФОРОБИЙ ҒОЯЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ**

For citation: Turgunov Murodjon Tursunbaevich. THE INFLUENCE OF FAROBI'S IDEAS ON THE DEVELOPMENT OF MEDIEVAL MUSLIM AND WESTERN PHILOSOPHY. Journal of Law Research. 2023, Special issue 3, pp. 16-22

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.10505556>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Аллома Абу Наср аль-Фаробийнинг ўрта асрларда мусулмон ва Ғарб фалсафасига нисбатан бўлган таъсири ифодаланган ва муаллиф тегишли манбаларда ушбу алломага нисбатан мавжуд бўлган ижобий муносабатларни келтиради. Кўпгина фанларнинг ривожланишига методологик жиҳатдан тегишли пойдеворни яратган алломанинг буюклиги ва илмий нуфузга ҳозир ҳам эгаллиги таъкидланади. Шунингдек, муаллиф Форобийнинг тинчлик ҳукм сурган шароитда ҳарбий ҳаракатларга эҳтиёж бўлмаслиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари таъминланиши, сиёсий бошқарувни такомиллаштиришда фуқароларнинг муносабатларини инобатга олиш зарурлиги ҳақидаги илмий, сиёсий ва ижтимоий жиҳатдан муҳим бўлган қарашларининг мазмун-моҳиятини содда тилда тушунтиришга, билдирилган фикрларнинг бугунги кундаги аҳамияти юқори эканлигини ифода этишга интилган.

Калитли сўзлар: Абу Наср аль-Фаробий, мантиқ, этика, методология, мусулмон олами, Ғарб, Европа, файласуфнинг ғояларини илм ривожланишига бўлган таъсири

Тургунов Муроджон Турсунбаевич,
 Директор Института государства и права
 Академии наук Республики Узбекистан,
 Доктор юридических наук
 E-mail: shoh.akbarshoh@mail.ru

**ВЛИЯНИЕ ИДЕЙ ФАРОБИ НА РАЗВИТИЕ СРЕДНЕВЕКОВОЙ МУСУЛЬМАНСКОЙ
 И ЗАПАДНОЙ ФИЛОСОФИИ**

АННОТАЦИЯ

В статье описывается влияние гения Абу Насра аль-Фараби на мусульманскую и западную философию в средние века, а также приводится положительное отношение к этому ученому в соответствующих источниках. Подчеркивается величие и научный авторитет учёного, создавшего методологическую основу развития многих наук. Также автор постарался

простым языком объяснить суть научных, политических и общественно значимых взглядов Фароби об отсутствии необходимости военных действий в условиях мира, защите прав граждан, необходимости учитывать отношения граждан в совершенствовании политического управления и выразил высокую важность высказанных сегодня мнений.

Ключевые слова: Абу Наср аль-Фараби, логика, этика, методология, мусульманский мир, Запад, Европа, влияние идей философа на развитие науки.

Turgunov Murodjon Tursunbaevich,

Director of the Institute of State and Law of the Academy
of Sciences of the Republic of Uzbekistan,

Doctor of Law

E-mail: shoh.akbarshoh@mail.ru

THE INFLUENCE OF FARABI'S IDEAS ON THE DEVELOPMENT OF MEDIEVAL MUSLIM AND WESTERN PHILOSOPHY

ANNOTATION

The article describes the influence of the genius Abu Nasr al-Farabi on Muslim and Western philosophy in the Middle Ages, and also provides a positive attitude towards this scientist in relevant sources. The greatness and scientific authority of the scientist who created the methodological basis for the development of many sciences is emphasized. The author also tried to explain in simple language the essence of Farabi's scientific, political and socially significant views on the absence of the need for military action in peace, the protection of the rights of citizens, the need to take into account the relations of citizens in improving political governance and expressed the high importance of the opinions expressed today.

Keywords: Abu Nasr al-Farabi, logic, ethics, methodology, Muslim world, West, Europe, influence of the philosopher's ideas on the development of science.

Абу Наср аль-Фароби фаннинг кўпгина соҳаларига катта ҳисса қўшган илм арбоби бўлади ва бу соҳалар ичида фалсафа, этика, физика, астрология, психология ва мусиқани тилга олишимиз мумкин. Ҳар бир илм йўналиши тегишли мавзулар йиғиндисидан иборат бўлиб, келгусида ушбу мавзулар билан ҳам алоҳида тадқиқотларни ўтказиш имкониятини яратган. Устознинг асосий илм воситаси сифатида мантиқ ва этика бўлиб, айнан шу илм калитлари орқали у билимлар дунёсини инсоният учун очиб берган. Тилшунослик бўйича у тахминан 70 тилни билган билимдон сифатида намоён бўлади.

Фаробийнинг яна бир ютуғи шундан иборат бўладики у аль-Киндига ўхшаб, кўпгина билим соҳаларини умумлаштириб, ислом фалсафаси тарихида ягона фалсафа тизимини яратди. Ҳозирги вақтда мазкур олимнинг илмий фаолиятига доир чоп эттирган китоблари кўпгина Европа тилларига таржима қилинди. Ўрта асрларга мансуб Араб-мусулмон фалсафасида кўпгина илмий ишлар қуйидаги олимлар бўлмиш аль-Кинди, ибн Сино, ибн Рушд, ибн Туфел ва бошқаларга бағишланади. Чунончи, аль-Киндини “шаркий перипатетизм” асосчиси сифатида, Ибн Синони эманация назарияси ва тиббиёт билимдони сифатида, ибн Рушдни эса “ҳақиқатнинг иккига бўлиниш” назариясининг асосчиси сифатида эшлади. Аммо аль-Фаробининг илмий фаолияти ва унинг манбалари тўғрисида маълумотга эга бўлган шахс юқорида қайд этилган унвонларни барчасини эгаси деб Фаробийни кўрсатиши аниқ. Араб-мусулмон фалсафасини яратган муаллифлар тўғрисида гап борадиган бўлса илк бор одатга кўра Абу Ёқуб аль-Киндининг номини эслайдилар. Ушбу илм эгаси томонидан авлодларга қолдирган мероси ўша замондаги муҳим илмий соҳаларни ўз ичига қамраб олган, яъни астрономиядан бошлаб психологиягача, физика ва метафизикагача. Аммо бизгача етиб келган унинг санокли илмий ишларида ўша замонга мансуб бўлган муҳим саволларга тегишли жавобларни излаб топиш мушкул вазиятни яратади. Ваҳоланки ал-Кинди фалсафа тарихида сазовор ҳолда биринчи араб файласуфи унвонини эгаллаган, аммо шуни ҳам тан олиш зарурки унинг фалсафаси бир тизимга келтирилмаган тарқоқ ҳолда эди. Абу Наср Фароби , аль-

Киндига ўхшаб барча билим соҳаларини қамраб олган бўлсада, аммо у ислом тарихида ягона фалсафа тизимини яратди.

Плотин ва Прокларнинг метафизикаси ва космологияси асосида Форобий эманация назариясини яратди ва ундан аввал бу масала ислом фалсафасида ҳеч бир илм намояндаси томонидан ишлаб чиқилмаган эди ва шу аснода у мусулмонлар оламининг неоплатонизмига асос солди. Бундан ташқари, Афлотуннинг “Давлат” китоби асосида у биринчи бўлиб мусулмон оламида сиёсий рисола “Fozil shahar aholisining qarashlari haqida risola”ни ёзиб битирди. У юнон ва ислом фалсафасини бирлаштиришга эришди. Форобининг илмий изланишлари асосида Европа мутафаккирлари Афлотун ва Арастунинг фалсафий фикрларини тўғри тушуниб, тўғри баҳолаш имкониятига эга бўлдилар. Франциянинг машҳур файласуфи Этьен Жильсоннинг фикрига кўра ўрта асрларда яшаган файласуфлар Аль-Кинди, аль-Фороби, ибн Синоларнинг илмий манбаларини ўқимасдан Фома Аквинский, Дунс Скот ва бошқа европа файласуфларининг ишларини тушуниш мушкул деб баҳолайди.

Форобийнинг илмий ишлари ўрта асрларда юзага келган европа уйғонишига бевосита таъсир кўрсатди. Фороби аъло даражали мантиқ эгаси бўлиб у Арастунинг “Органон” китобини қийналмасдан бемалол тушунчаларнинг таърифини келтириш имкониятига эга бўлган. Аммо шунга қарамасдан, Ғарб оламида Форобининг мантиғига етарли даражада эътибор берилмади. Форобининг илк бор монографияси Европада 19 асрнинг охирида, яъни 1889 йили немис олими М.Шнейшнейдер томонидан чоп этилган эди. 1890 йилда Фриц Дитеричий томонидан Альфрагануснинг(яъни Форобининг) илмий ишлар тўплами немис тилида чоп этилди. 1934 йили француз тилида ўз ишларини чоп этаётган араб олими Иброҳим Мадкур томонидан “Ля плэйс д-ал Фараби данс ле крое философие Арабе” (Al-Farobiyning arab falsafiy maktabidagi o'rni degan risola olamni kўrdi)[1]. Қуйидаги барча манбалар аль-Фороби тўғрисида дастлабки маълумотлар берган бўлсада аммо унинг мантиғи, фалсафаси, умумий фалсафаси билан тўла ҳажмда танишиш имконияти йўқ эди. Бу борада М.Махди (Гарвард Университети) ва Д.М.Данлоп олимларнинг ишларига илова қилиш мумкин, чунки улар ал Фороби трактатларининг фалсафий муаммоларини чуқур ўрганиб чиқиб, ўз рисолаларида бу олимнинг нақадар тўғри методологик жиҳатдан фикр юритганини қайд этдилар. Аммо бу аль-Форобига бағишланган тадқиқот ишларнинг барчаси Ибн-Сино, Ибн Рушд, Ибн Туфел номига бағишланган ишларга қараганда унчалик кўпчиликни ташкил қилмаган.

Инглиз шарқшуноси Роберт Хаммонд Аль-Форобийнинг Ўрта асрлардаги христиан фалсафасига таъсири билан боғлиқ манбани у бошқа рисолалар ичида ниҳоятда қимматли бўлган китобни ёзган[2].

Аль-Форобининг ижодини тадқиқ этиб, у алломанинг нима учун фалсафа тарихида юқори нуфузли ўринга эга эканининг учта сабабини келтирган: «Биринчидан, аль-Фараби ўзига хос кўприк ролини ўйнаган ва мазкур кўприк асосида мусулмон олами илк бор юнон мероси билан танишган экан, Ғарб эса – мусулмон оламини ўрганишга муваффақ бўлган.

Иккинчидан, аль-Фороби Ўрта асрларда яшаган схоластик мутафаккирларга катта таъсир кўрсатди. Бунинг далили сифатида Буюк Альбертнинг аль-Форобининг манбаларидан фойдаланганлиги билан боғлиқ ҳодиса мавжуддир. Айнан шу китоблар билан танишган Буюк Альберт ва унинг шогирди Сент Томасга улар томонидан янги мантиқий тизимини яратишга ва христиан (насроний) фалсафасида мавжуд бўлган бир қатор мунозарали мавзуларга жавоб топишга ёрдам берган.

Учинчидан, аль-Фороби Арастунинг кўпгина назарияларини такомиллаштирди ва ушбу олимнинг пайтида мавжуд бўлган муаммоларнинг бир тўпини ечиб олган. Бундан ташқари у схоластиканинг ривожлантириб, қуйидаги тушунчаларни киритган зарурий воқелик, шартли воқелик, спекулятив ва амалий интеллект ва кўпгина ҳоказолар.»[2].

Аль-Фараби, антиқа мутафаккирлари Афлотун ва Плотиннинг илмий ишларини чуқур тадқиқ қилиб, фақат унга хос анъанавий фалсафий тафаккурни шакллантиришга эришди ва юқоридаги муаллифларнинг ишларини бир бири билан монанд ҳолда бирлашувини

таъминлади. Унинг ғоялари юнонлардан қолган аммо эсдан чиқарилган мероснинг қайта уйғонишига ва йиллар мобайнида уйқуда бўлган Европанинг уйғонишига олиб келди.

2010 йил 18 ноябрда машҳур шоир Ўлжас Сулаймонов ЮНЕСКО томонидан ташкил этилган халқаро давра йиғилишида Париж шаҳрида нутқ сўзлаб, таъкидлаган эдики: «VII асрларда араблар Гибралтар бўғозини кечиб ўтиб Испанияни ишъол қилдилар ва у ерда VIII аср ҳукмрон бўлдилар. Шунинг учун улар (шу жумладан бизнинг аجدодимиз аль-Фараби) маданиятга ва Испанияга, балки бутун Европага нисбатан ҳам кўпгина янгиликларни олиб келишди. XI асрда аль-Фароби манбалари араб тилидан лотин тилига ўтирилди. Ушбу китоблар XI асрларда Гранада ва Кордова жойларигача етиб борди ва у ерда улар лотин тилига утирилди. Шундан сўнг Арасту ва Афлотуннинг китоблари хуфья ҳолда бутун Европага тарқалди. Айнан шундан бошлаб Уйғониш ёки Ренессанс даври бошланди ...»[4].

Умуман олганда, араб-мусулмон фалсафаси билан шуғулланган бир қатор олимлар аль-Фаробининг ўзга файласуфларга бўлган таъсири бўйича ҳар хил фикрларга эгадирлар. Франция шарқшуноси Дияс Ольери аль-Фаробининг нуфузли даражасига тааллуқли жуда бир ҳаққоний фикр билдирган: «аль-Фаробининг нуфузга эгаллигига нисбатан бизнинг берган баҳоимиз ҳаддан ташқари юқори даражали ҳаддан ошиб кетган деб бўлмайди, чунки мазкур алломанинг нуфузи ҳақиқаттан ҳам жуда буюк. Ибн-Сино, Ибн Рушд ишларидаги ҳар қандай моҳиятга алоқадор ғоялари аль-Фароби таълимотига таянган». Масиньон аль-Фароби тўғрисида қуйидагиларни ёзган: «ислом файласуфлар ичида бу энг тушунган шахс ва айнан шу аллома ўзгаларга нисбатан кўпроқ даражада қадимий фанларга мурожаат қилган, у ҳақиқий файласуф, у билимдонларнинг билимдонидир»[5]. Луи Гарде ўзининг «Диний фикр фалсафаси» тадқиқотида аль-Фаробининг Ғарбга нисбатан бўлган таъсири тўғрисида қуйидагиларни қайд этади: «араб тилида гапирувчи, ислом динига сиғинувчи аль-Фараби Арастунинг Ғарбга йўллаган меросини тушунтириб берди»[6, Б.253-259].

Абу Наср Форобий ўрта аср жамияти табақаларининг шафқатсизлиги, иқтисодий ва ноиқтисодий эксплуатация оддий халқнинг ҳаддан ташқари ёввойилашуви, қашшоқлик ва ҳақсизликка олиб келган даврда яшаган ва бундай шароит олимда ачиниш ва раҳм-шафқат туйғуларини келтириб чиқарган. Капиталнинг дастлабки тўпланиш даврида янги туғилиб келаётган буржуазиянинг меҳнаткаш оммани шафқатсиз эксплуатация қилиши Мор ва Кампанеллада ҳам ачиниш ва раҳм-шафқат ҳиссини уйғотган. Бундан ташқари, улар қадимги юнон файласуфлари - Афлотун ва Арастунинг улардан кейинги авлодлар дунёқарашига таъсир этган сиёсий социологияси билан таниш бўлганлар.

Морнинг “Утопия ороли”да ва Кампанелланинг “Қуёш шаҳри”да бўлгани каби Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри”да ҳам одамлар асосан Ягона Худога - «дастлабки сабаб» (Абу Наср Форобий), «барча нарсаларнинг боши» (Мор) ва «Қуёш»га (Кампанелла) ишонадилар. Нариги дунёнинг борлигини ва унда бу дунёда қилинган ишлар учун жазо мавжудлигини тан олган Мор ва Кампанелладан фарқли ўларок, Абу Наср Форобий нариги дунёда ҳаёт борлигини таъкидламайди.

Мор ва Кампанелла мулк ҳақидаги масалага тўхталдилар ва уни умумий деб эълон қилдилар, Абу Наср Форобий эса бу масалага тўхталмайди. Албатта, Мор ҳам, Кампанелла ҳам утопист-социалистдирлар. Шу боис улар бўлажак ижтимоий мулкчиликни таърифлашга кўп эътибор берадилар. Улардан фарқли равишда, Абу Наср Форобий адолатли жамият ҳақида орзу қилади.

Учала мутафаккир ҳам урушдан нафратланади. Уруш фақат мажбуран, мудофаа учун қилинади. Бунда, Абу Наср Форобийнинг фикрича, бутун Ер юзида фозиллик ҳукм сурган шароитда ҳарбий воситаларга эҳтиёж йўқолади. Улар меҳнатни қилиниши шарт ва умумий бўлган фаолият деб эълон қилдилар. Аммо Уйғониш даври мутафаккирлари учун оғир шароитларда меҳнат қилиш энг фахрли иш ҳисобланса, Абу Наср Форобий эса бундай меҳнатни, ҳатто у самарали ва катта фойда келтирадиган бўлса ҳам, паст иш – шаҳар аҳолисининг энг паст қатлами шуғулланадиган машғулоти деб билади. Бунда меҳнат қилиш иснод ва паст табақа одамларининг машғулоти ҳисобланган даврнинг таъсири сезилади.

Кампанелланинг “Қуёш шаҳри” тепасида ҳам, Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри”да ҳам айна пайтда биринчи руҳоний (Кампанелла), имом (Абу Наср Форобий) бўлган донишманд файласуф туради. Ушбу лавозимга эришиш учун, иккала мутафаккирнинг фикрича, фанларни, айниқса, метафизика, теология ва математикани яхши билиш керак. Кампанелла бу фанлар қаторига астрологияни ҳам киритган, Абу Наср Форобий эса астрологияни фан сифатида тан олмаган. Шундай қилиб, Кампанелла ва Абу Наср Форобий Қуёш ва фозиллар шаҳри сиёсий бошқарувини таърифлашда дунёвий ва ўрта асрнинг диний ҳокимиятни бирлаштирувчи теократик тасаввурларидан узоқлаша олмаганлар.

Абу Наср Форобий сингари Кампанелла ҳам бутун дунёни ўз ичига олган давлат ҳақида орзу қилган. У инсониятнинг бирлигига барча халқларни бирлаштириш йўли билан эришилиши керак, бутун дунё солярийлар, яъни Қуёш шаҳри аҳолисининг одатлари бўйича яшай бошлайди, деб таъкидлаган. Абу Наср Форобий ҳам, юқорида айтганимиздек, бутун дунё фозиллар давлати ҳақида гапирганда шу фикрни таъкидлаган.

Европа Уйғониш даври машхур мутафаккирларининг ва ўрта аср Шарқи машхур олимнинг сиёсий социологиясидаги ўзаро мос келувчи қизиқарли жиҳат инсонпарвар дунёқараш – уларнинг идеал ижтимоий тузум зарурлигини оқилона асослашидир. Мутафаккирлар таҳлил қилган идеал давлат ҳаётининг барча томонлари рационалистик далиллар келтириш орқали асосланади. Ушбу олимлар дунёқарашининг улардан аввал ва улар билан бир вақтда яшаган ва ўзларининг радикал талабларини диний далиллар, «муқаддас ёзув» билан асослаган олимларнинг дунёқарашидан ана шу жиҳати билан жиддий фарқ қилади.

Турли тарихий даврларда яшаган олимларнинг қарашларини қисқача баён этиш ва уларни ўзаро қиёслаш Уйғониш даври мутафаккирлари бир неча аср ўтиб, техникавий ва ижтимоий фанлар даражаси нисбатан ривожланган шароитдагина эришган нарсани қилган ўртаасиёлик мутафаккир ижтимоий-илмий дунёқарашининг катталиги ва кенглигини ҳужжатлар ёрдамида аниқлаш имконини беради. Бунинг устига, юқорида айтилганидек, баъзи масалаларда, масалан, инсоннинг нариги дунёдаги ҳаёти ва бошқа масалаларда, Абу Наср Форобий Т. Мор ва Т. Кампанеллага қараганда анча юқорироқ даражадаги ҳақиқатни билган. Шунга қарамай, Абу Наср Форобий, табиийки, ижтимоий ривожланишнинг объектив қонунларини англаш йўлида турган идеалистик тўсиқларни енга олмаган. Бунга бир қатор вазиятлар, хусусан, ижтимоий ҳаёт ҳодисаларига доир билимларнинг чекланганлиги, жамиятга нисбатан теологик қарашларнинг ҳукмронлиги ва бошқалар ҳалақит берган.

Абу Наср Форобий ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини тушунишда идеалист бўлиб, ўзи гувоҳ бўлган нономал ва адолатсиз ҳодисаларга нисбатан утопик эътироз билдириш даражасига кўтарилган, холос. Бироқ олимнинг аллегорик ва мавҳум шаклларда бўлса-да, ҳар ҳолда ўз ғоясини араб халифалигида мавжуд бўлган тузумга қўрқмай қарши қўйганлигига тасанно айтиш мумкин. Мутафаккир фикрича, «инсонга хос қарашлардан бўлган ҳайвоний қараш» ҳукмрон бўлган жоҳиллар шаҳарларининг аҳолиси қилмишлари ва қарашларини ўтқир танқид қилиш маълум ижобий ва тараққийпарвар аҳамиятга эга бўлган.

Абу Наср Форобийнинг утопик социологик ғоялари ислом руҳонийларининг кучли ҳужумларига учраган ва амалга ошмаган, амалга ошиши мумкин ҳам бўлмаган бўлса-да, ҳар ҳолда итқитиб ташланмаган. Абу Наср Форобийнинг ғояларини унинг даврида яшаган одамларнинг бир қисми маълум даражада қўллаб-қувватлаганлар ва машхур араб олимларининг, айниқса, Ибн Бажа ва Ибн Холдун каби файласуфларнинг асарларида янада ривожлантирилган.

Ибн Бажа ўзининг «Ёлғиз одамнинг турмуш тарзи» асарида табибларга ҳам, қозиларга ҳам эҳтиёж бўлмайдиган идеал давлат тимсолини чизиб беради. Табибларга ҳожат бўлмаслигининг сабаби шундаки, одамлар овқатланишда ҳаддан ошмайдилар ёки, Абу Наср Форобийнинг «Сиёсат» рисолисидаги сўзлари билан айтганда, улар барча хатти-ҳаракатларида меъёрга риоя этадилар. Бундай нуқтаи назарни араб Шарқининг кўзга кўринган файласуфи Ибн Рўшд ҳам айтиб ўтган [7, .Б.73].

Ибн Бажанинг фикрича, қозилар идеал давлатда одамларнинг муносабатлари муҳаббат асосига қурилганлиги; зулм, низо, макр бўлмаганлиги; қонун ва одатларни бузиш асослари бартараф этилгани туфайли керак бўлмайдилар. Абу Наср Форобий сўзларига қараганда, одамларнинг муносабатлари бахтга эришиш йўлида ўзаро ҳамкорлик ва бир-бирларини тушунишга асосланади.

Ибн Бажа фикрича, «донишмандлар» («ёлғизлар») оилада ва ўзларини ўраб турган жамиятда бегонадирлар. Улар, олимнинг таъкидлашича, хаёлан «ёлғизлар» ватани бўлган идеал республикадирлар.

Ибн Бажанинг мукамал (идеал) давлатида, Абу Наср Форобийнинг шаҳар бирлашмасидаги каби, тартиб ўрнатишда одамларнинг ўзларини ўзлари камол топтиришлари ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Лекин «ёлғизлар» (Ибн Бажа), яъни «донишмандлар»нинг (Абу Наср Форобий) давлатдаги ўрни масаласида давомчиларнинг фикри Абу Наср Форобийнинг фикридан фарқ қилади. Ибн Бажанинг «ёлғизлари» узлатга кетиб бошқалардан ажралмасалар-да, аммо зарурат бўлгандагина мулоқотга киришадилар, чунки ўзларини келажак давлатнинг фуқароси деб ҳисоблайдилар.

Абу Наср Форобийнинг идеал жамият ҳақидаги фикрлари бизда фахрланиш ҳиссини туғдирса, жамиятда энг қуйи мавқени эгаллаган меҳнаткашларнинг ижтимоий эзилишини тушунтиришдаги фатализм ачиниш ва ранжиш ҳиссини пайдо қилмаслиги мумкин эмас. Агар Абу Наср Форобийнинг табиат ҳақидаги фалсафий қарашларида материализмга мойилликни кузатиш осон бўлса, унинг социологик қарашларида «олтин заррачаларини» фақат пухта «ювгандан» кейингина топиш мумкин [8, Б.79]. Абу Наср Форобий ўзининг инсонпарварлик туйғуларига қарши равишда ўз тизимини адолатли ва инсон табиатига мос деб ҳисоблаганлиги ҳам кишини ранжитади. Унинг фикрича, ҳақиқат ва адолат – биз ушбу дақиқада шундай деб ҳисоблаётган нарсадир.

Абу Наср Форобийнинг қарашлари қадимги юнон файласуфи Афлотуннинг сиёсий таълимотига яқин. Афлотун ўзининг «Давлат» асарида ёзишича, давлат инсоннинг ўзи учун етарли эмаслигидан юзага келади. Шу боис ҳар бир бўлинмас тизим бошқасининг ёрдамига муҳтож. Демак, аввало, инсонга унинг яшаши учун нима кераклигини билиш зарур. Ҳаёт учун, биринчидан, озиқ-овқат зарур, чунки усиз мавжуд бўлиш мумкин эмас; сўнгра танани совуқ ва жазирамадан асраш учун турар жой ва кийим-кечак керак; бундан ташқари, тан эҳтиёжларини қондириш учун кўпгина бошқа нарсалар ҳам талаб этилади. Шу боис давлатга инсон учун жуда зарур нарса сифатида қараладиган бўлса, у зироатчилар, дурадгорлар, тўқимачилар, косиблар ҳамда машғулоти ва санъати фуқароларнинг ҳаётини таъминлаши керак бўлган кўплаб бошқа усталардан иборат бўлиши керак. Бундай усталарнинг барчаси ҳар бири ўзининг машғулоти билан бир-бирларига ёрдам бериш учун ўз ишини қилади; уларнинг ана шу ишларининг ўзида адолат ва адолатсизликнинг бошланишини сезиш мумкин бўлади [9, Б.61].

Аль-Форобининг манбаларини лотин тилига угириш XII асрнинг ўрталаридан амалга оширилган. Унинг «Фанларнинг таснифи» деб номланган рисоласи илк бор лотин тилига Д. Гундиссалин томонидан 1140 йили таржима қилинди. Бундан ташқари, аль-Форобининг илмий ишларини лотин тилига таржима қилганлар ичида Ж. Крмон, Иоан Севилья, Герман Каринти, Майкл Скот, Марк Толедо ва бошқа таржимонларни тилга олиш мумкин. Ушбу таржималар ичида «Никоммах этикаси»га нисбатан бўлган шарҳини тилга олиш зарур, чунки унинг араб тилидаги асл нусҳаси йўқолиб кетган. Фома Аквинский, Буюк Альбертларнинг илмий ишларида, улар Европанинг схоластик таълимини асосчиларидир, шунингдек юқорида қайд этилган Маймонид ишларида ушбу муаллифлар аль-Форобининг ўша шарҳига илова қилишган. Аль-Форобининг йўқолган илмий дурдоналари ичида Арасту томонидан ёзилган «Физика» китобига аллома томонидан араб тилида берган шарҳларни эслаш керак, чунки бу китоб ҳам йўқолиб кетган. Ушбу китобнинг лотинга ўгирилган нусҳалари Роджер Бэкон ва Буюк Альбертнинг ишларида учрайди. Хуллас бу руйхатни узоқ вақт давомида бирма бир тилга олиш мумкин. Бу ерда асосий фикр шундан иборатки, ал-Форобийнинг кўпгина ишлари асл нусха шаклида сақланиб қолмаган, аммо бир неча вариантларда бундай манбалар лотин ва

иврит тилларида сакланиб қолиб, улар европа олимлари томонидан катта талабга эга. Олимнинг меҳнатини бу борада Ибн Сино ижобий баҳолаган унинг “Метафизика мақсадлари” деган рисоласида теология таълимотини у аль-Фаробининг теологияга бағишланган рисоласидан кейингина яхши тушунганлигини қайд этади. Ўзининг илмий ишларида у аль-Фарабига миннатдорчилик билдирган, чунончи «Фикрлар тўқнашуви»/Мунозара/Музокаралар деган китобида у қуйидагиларни ёзади: «Агарда гап Абу Наср аль-Фараби тўғрисида борса, илмнинг қайси бир соҳаси бўлмасин, бизлар унга тўла ишонишимиз даркор». Ибн Синонинг фикрлари ва ғоялари асосида аль-Фаробийнинг мафкуравий мероси ётибди. Бундай ҳолатни XX асрнинг араб файласуфи профессор Ибраҳим Мадкур ҳам таъкидлаган: «Ибн Синонинг фалсафага нисбатан бўлган улуши – “Иккинчи устоз”нинг ислом фалсафаси соҳасидаги ғояларини тушунтириш ва ривожлантириш, уни аль-Фароби билан таништиришидан иборатдир»[10, Б.14].

Абу Наср аль-Фаробийнинг илмий ишлари тўғрисида чексиз вақт гапириш мумкин, аммо бу мақолани қуйидаги мазкур алломага нисбатан берилган баҳо билан якунлаш мақсадга мувофиқдир. Яҳудий файласуф Мусо Маймонид алломанинг илмий ишлари билан танишиб, ўзининг шогирди Самюэль бен Тиббонга йўллаган мактубда қуйидаги баҳони берган: “Арастунинг илмий рисолаларини моҳиятини фақат мантиқ бўйича илмий ишларни тушунишни хоҳласангиз бунинг учун Александр Афродзейский ёки Фелийстий ва Ибн Рушд томонидан берилган шарҳлар ёрдамида билиш мумкин эмас. Менинг Сизга бўлган маслаҳатим бунинг учун фақатгина Абу Наср аль-Фаробийнинг мантиққа бағишлаган иши билан танишиш кифоядир. Унинг барча рисолалари бенуксон ва нафосатга тўлган. Уни албатта ўрганиш керак, нечук у буюк шахсдир”[3, Б.308.].

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ibrahim Madkur. La Place d'al-Farabi dans l'ecole philosophique Arabe. Paris, 1934. –P. 8. // Ibrahim Madkur. The Place of al-Farabi in the Arab philosophical school. Paris, 1934. –P. 8.
2. Hammond. The Philosophy of Alfarabi and its influence on Medieval Thought. Hobson Book Press. – New York, 1947. – P. 118.
3. Bekir Karliga. İslam düşüncesinin Batı düşüncesine etkileri. – Istanbul, 2004. – 308 s. (Bekir Karliga. The effects of Islamic thought on Western thought. – Istanbul, 2004. – 308 p.).
4. http://www.inform.kz/kz/olzhas-suleymenov-al-farabidin-enbekteri-europanyn-kayta-zhandanuyna-komekteskenin-unemi-eske-salyp-otyru-kazhet_a2746071
5. Massignon Louis. Recueil de Textes. Inedites concernant L'histoire de mystique en pays de l'islam.– Paris, 1998. – 53.
6. Louis Gardet: A Catholic Thomist takes up Islamic Studies, Volume 99. – P. 253-259.
7. Трахтенберг О. В. Очерки из истории западноевропейской средневековой философии. - М., 1957. 73-с. (Trakhtenberg O. V. Essays on the history of Western European medieval philosophy. -M., 1957. 73-p).
8. Богоутдинов А. М. Очерки по истории таджикской философии. Душанбе, 1961. С. 79. (Bogoutdinov A. M. Essays on the history of Tajik philosophy. Dushanbe, 1961. P. 79).
9. Джахид А. М. Абу Наср Аль-Фараби о государстве. Душанбе, 1966. С. 61. (Jahid A.M. Abu Nasr Al-Farabi about the state. Dushanbe, 1966. P. 61).
10. Хайруллаев М.М. Фароби – крупнейший мыслитель Средневековья. – Ташкент, ФАН,1973. – С.14. (Khayryllaev M.M. Farobi is the greatest thinker of the Middle Ages. – Tashkent, FAN, 1973. – С.14).



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

3-МАХСУС СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР-3

JOURNAL OF LAW RESEARCH
SPECIAL ISSUE-3

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000